

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 11-iyun, seshanba № 44 (15682)

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ислон **КАРИМОВ**

Munosabat

Сарҳадларга сиғмас Универсиада

Бир неча кун давомида бизга ҳаяжон ва қувончли онларни тақдим этган Ўзбекистон талаба-ёшларининг «Универсиада — 2013» спорт ўйинларини жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатда қизиқиш билан кузатиб боришди. Ўзбекистонлик талаба-спортчиларнинг иштирокини Универсиаданинг расмий веб-сайти орқали Испания, Германия, Австралия, Хитой, Италия каби мамлакатлардан туриб кузатиб боришгани спортнинг чегара билмаслиги, яхши ташаббус, эзгулик — миллати, тили, ирқидан қатъи назар, инсонлар эътибори ва эътирофига сазовор бўлишини кўрсатади.

Ҳа, чиндан ҳам, Ўзбекистонда йўлга қўйилган ва мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари мамлакатимиз миқёсидагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам ўз қизиқувчилари ва мухлислари сафини кенгайтириб бораёпти.

Шу ўринда савол туғилади. Бу фақатгина мусобақаларнинг гўзал шахарларимизда, замонавий, мухташам спорт ареналарида, юқори савияда ўтказилаётгани билан боғлиқми? Бизнингча, йўқ. Спорт ўйинларининг тизимли равишда йўлга қўйилгани, ундан кўзланган асл мақсад, моҳият дунё ахли эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Қизиқ, жаҳонда спорт мусобақалари кам эмас. Ҳар йили юзлаб халқаро турнирлар, чемпионатлар ўтказилади. Нега айнан юртимиз ўқувчи талаба-ёшлари ўртасидаги мусобақалар бошқалар диққатини тортмоқда?..

СПОРТ — БАРКАМОЛЛИК ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Мана, гап қаерда? Бизда авваламбор, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, талаба-ёшлар ўртасидаги мусобақалардан кўзланган бирламчи мақсад замирида моддият ётмайди.

Бир мисол. Нега мамлакатлар турли спорт мусобақаларини ўзида ўтказиш учун курашиб келади? Сабаби шуки, йирик мусобақалардан улкан моддий манфаат кўрилади. Кўзингиз тушган бўлса, футбол бўйича жаҳон чемпионатлари, Халқаро Олимпиада ўйинларидан сўнг мезбон мамлакатлар молиявий ҳисоботини эълон қилади. Миллион-миллион фойда кўргани ҳақида ахборот беради. Тўғри, мусобақага мезбонлик қилиш билан ўша мамлакатда муайян спорт тури, инфратузилмаси ривожига катта ҳисса қўшилади. Аммо барибир ташкилотчиликдан асл мақсад улкан молиявий даромад кўриш эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми 5-бетда)



ЎзА суратлари

Фарғонада кўришгунча хайр!

«Universiada — 2013»

Бухоро шаҳрида «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг финал босқичи якунланди

... Байрамонга безатилган «Бухоро» марказий стадиони узра олий ўқув юртли талабаларининг «Универсиада — 2013» республика спорт мусобақалари машғаласи порлаб турибди. Майдонни тўлдирган ёш спортчилар ва артистлар мазкур спорт форумига бағишланган вокал-хореографик композицияни ижро этмоқда.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бошланади. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

Энг ҳаяжонли дақиқалар — ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари қатнашчилари

га табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди.

Мурасасиз курашлар остида ўтган мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намоён этган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга

эришган бир гуруҳ спортчи-талабалар махсус совринларга сазовор бўлди.

— Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бунинг самарасида маҳоратли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани бу галги Универсиада беллашувларининг юқори натижалари ва рекордларида ҳам намоён бўлди, — дейди «Универсиада — 2013»нинг стол тенниси бўйича олтин медаль соҳибаси, пойтахтлик Нодира Бурҳонхўжаева. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга эътибори ва ишончи бизни халқаро ареналар сари дадил одимлашимизда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 4-бетда)

Азиз тунпрофунгдан, гул боғларингдан!

Андижон вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!»
шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди



Yoshlar festivali davom etadi

ри йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан яқиндан танишишди.

Хўжаобод туманидаги тарғибот тадбирлари «Ёшлар кафе-си»да яқунланди. Тумандаги энг фаол икки юз нафарга яқин ёшлар иштирокида ўтказилган концерт дастурида ўн нафар ёш турли йўналишлар бўйича диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбир давомида фаол иштирок этган Ашуровлар оиласи тумандаги «Энг ёш ва намунали оила» деб топилди. Оилага туман ҳокимининг махсус совғаси — компьютер жамланмаси топширилди.

КЕЧИРАСИЗ, ХАБАРИНГИЗ ЙЎҚМИ?..

Фестиваль доирасида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида «Виждонли сотувчи» акцияси ўтказилди. Акция доирасида Андижон шаҳридаги «Орзу», «777», «Стиморол», «Абсолют» каби спиртли ичимликлар сотиладиган дўконларга кирилиб, вояга етмаган ёшларга спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини сотмаслик ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Вилоят солиқ бошқармаси масъул вакиллари, таникли санъаткорлар иштирокида олиб борилган акцияда виждонли сотувчилар аниқланди.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шiori остидаги ёшлар фестивалининг якуний гала-концерт дастури Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғининг ёзги амфитеатрида бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги фаол ёшлар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Хусусан, Андижон шаҳар ҳокими Нурилло Алимов «Ёшлар билан ишлашда энг фаол шаҳар ҳокими», вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Илҳомжон Ортиқбоев «Энг яхши маънавият тарғиботчиси», ички ишлар бошқармаси ВЕН ҲООБ бошлиғи Иномжон Мамадалиев «Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси», Андижон тиббиёт институти талабаси Моҳидил Абдумўминова «Энг намунали илм-фан фидойиси ва тарғиботчиси», «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши бўлим мудирини Севара Ҳошимова «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси», Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Ёш лидерлар» ассоциацияси аъзоси Ирода Парпиева «Энг ёш тарғиботчи» номинациясига сазовор бўлди.

Ёшлар фестивали андижонлик тенгдошларимиз иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш баробарида улар қалбига олам-олам шодлик улашди. Уч кун мобайнида фестиваль доирасидаги тадбирлар, лойиҳалар вилоятдаги барча туманларда кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Тенгдошларимиз тарғибот гуруҳи аъзоларини кузатаркан, бундай ажойиб, дилтортар тадбирларни илҳақлик билан кутишларини билдиришди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Навбатдаги ёшлар фестивали жаҳонга машҳур ўзбек машиналари ишлаб чиқарилаётган Андижонда бўлиб ўтди. У ерга пойтахтдан отланган шоиру ёзувчилар, кўшиқчию актёрлар ва депутатлардан иборат бир гуруҳ фестиваль тарғиботчилари қисқа парвоздан сўнг Андижон аэропортига қўнишди. Карнай-сурнайлар садо-си остида гулдасталару, андижонча рақслар билан қарши олинган меҳмонлар орасида Ўзбекистон халқ артисти Меҳмонли Салимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Мирза Азизов, Дилноза Исмияминова, хонандалар — Ойбек ва Нигорани ҳам учратдик.

Дастлаб фестиваль тарғиботчилар гуруҳи аъзолари иштирокида Андижон шаҳрида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан хизматга қақрилувчилар билан ижодий учрашув ўтказилди. - Мазмунли суҳбат, қизиқарли савол-жавобларга бой бўлган учрашувда шоира Хосият Рустамова, ёш ижодкорлар — Шавкат Одилжон ва Бекзод Бийболаевнинг Ватан, она, ёшликни тараннум этувчи шеърлари ёшлар қалбида чуқур из қолдирди. Учрашув якунида Тамилла, Ойбек ва Нигора ижросидаги кўшиқлар фестиваль иштирокчиларига байрам кувончини улашди.

МАРҲАМАТГА МАРҲАБО!

Тарғиботчилар марҳаматлик ёшлар билан дилдан суҳбатлашиш, уларнинг фикр ва таклифларини эшитиш учун Марҳамат тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежида бўлишди. Бу ерга машҳур инсонлар билан учрашиш мақсадида мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари тўпланди. Тадбирда юрт фаровонлиги, мамлакат тинчлиги йўлида барчамиз

килоти етакчиси Умида Тошбоева, «Энг ёш тарғиботчи» номинациясига «Ёш лидерлар» ассоциацияси аъзоси Равшан Аъзамов лойиқ деб топилди.

СИЗ СЕВГАН ҚАҲРАМОН КИМ?

Бугунги ахборот асрида ғоявий ахборот хуружлари давом этаётган бир пайтда «оммавий маданият» ниқоби остидаги ёт ғояларнинг миллий менталитетимизга зид эканлигини, диний экстремизм ва терроризм ҳамда ақидапарастлик иллатига чалинган кимсаларнинг асл мақсадини аҳолига, айниқса, ёшларга тушунтириш мақсадида «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» тарғибот лойиҳаси ташкил этилди. Жалақудуқ хизмат кўрсатиш коллежида бўлиб ўтган лойиҳада малакали сиёсатшунос, депутат, тарихчи ва психологлар иштирок этди.

Жалақудуқ тумани ёшлари «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари» лойиҳаси орқали таниқли ёзувчи-шоирлар, актёрлар, эстрада хонандалари билан яқиндан танишиб, дилдан суҳбатлашишди.

Булоқбошида бўлиб ўтган тадбирда депутат Мавлуда Алимова дунёнинг глобал муаммосига айланиб қолган кашандалик ва гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари ҳамда уларнинг олдини олиш ҳақида ёшларга гапириб берди. Тадбир сўнггида республика тарғибот гуруҳи аъзолари ёшлар билан суҳбат уюштиришди.

ҚАЕРДА ЎҚИМОҚЧИСИЗ?

Хонобод шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган тадбир катта қизиқиш билан кутиб олинди. Унда ёшларнинг севимли хонандасига айланган — Ойбек ва Нигора, Абдунаби Бойқўзиев, Шавкат Одилжон,

Дилором Мирзаева, Абдулазиз Дўсёров, Бобур Зайнобиддинов иштирок этди. «Ёшлар маркази»да Хонобод шаҳрида жойлашган касб-хунар коллежлари кўргазмаси ташкил этилди. Бу ерда мактаб битирувчилари кейинги таълимни қаерда давом эттиришни аниқлаб олишди. Уларга ҳар бир коллеж ўзининг таълим муассасаси, ундаги шароитлар ҳамда йўналишлар тўғрисида маълумот берди.

Тадбир давомида ёш ижодкорлар ўзларининг ижодий машқларидан ўқиб беришди. Устоз шоирларнинг маслаҳатларини олишди.

БОЛАЛИКНИНГ БЕГУБОР ТАСАВВУРИ

Ҳар бир инсоннинг дунёга, атроф-муҳитга қараши ҳар хил бўлади. Масалан, беш-олти яшар бола кўриб, завқланиб турган манзарани ёхуд гўзалликни катта ёшли одам кўрмаслиги, ҳис қилмаслиги мумкин. Ватанни ҳам ҳамма ҳар хил кўради, ҳар бир инсон ўзига хос тарзда севади уни.

Фестиваль тарғиботчилари Хўжаобод туманидаги истеъдодли ёш rassomларни аниқлаш мақсадида «Ўзбекистоннинг нурли келажаги менинг тасаввуримда!» расм чиқиш танловини ўтказишди. Унда ўқувчиларнинг асфальтга ва мольбертда чизган расмлари баҳолаб борилди.

Спортсевар ёшлар учун стол тенниси ва армрестлинг мусобақалари ташкил этилди. Мусобақаларда фаол қатнашган ёш спортчилар меҳмонлар томонидан рағбатлантирилди. Уларга «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» мавзуида ўтказилган тарғибот тадбирида салбий иллатлар ҳақида керакли маълумотлар етказилди.

Шундан сўнг тарғибот гуруҳи аъзолари туман марказидаги «Хўжаобод-Фазо» хусусий трикотаж корхонасида бўлишди. У ерда амалга оширилаётган ишлар, ёшлар манфаатла-

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат соҳаларига улкан эътибор қаратилиб, хусусан, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндларининг хотирасини эъзозлаш, қутлуғ меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таникли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида»ги қарори асосида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида яна бир муаззам бадиий обиданинг бунёд этилиши ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидир.

Бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида яратилган ушбу ҳайкал тимсолида собиқ мустабид тузум давридаги қийинчилик ва машаққатлар, ҳижрон ва айрилиқ азобларига қарамасдан, вафо ва садоқат намунасини кўрсатиб, оғир синов-

ларда тобланган, гўзал бадиий асарлари орқали халқимизга хос инсонийлик, сабрбардош ва меҳр-оқибат фазилатларига ўз шахсий ҳаётларида амал қилиб, бу туйғуларни бетакрор асарларида юксак пардаларда тараннум этиб яшаган икки улуг ижодкорнинг ёрқин сиймоси таъсирчан бадиий-эстетик воситалар орқали ифода этилган.

Шу йилнинг 10 июнь куни — атоқли адиб Саид Аҳмад таваллуд топган кунда ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий боғига ижодкор зиёлилар, талаба ва ўқувчи ёшлар, маҳалла ва меҳнат жамоалари вакиллари иборат кенг жамоатчилик тўпланди.

Тадбирда Ўзбекистон Рес-



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

публикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири О.Ҳожиёва, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунованинг фарзанди Н.Хусанхўжаева ўзбек миллий адабиёти ва мадани-

яти ривожига улкан ҳисса қўшган, бетакрор ижоди ва ибратли ижтимоий фаолияти билан ўзлигимизни англаш, ёш авлодни она Ватанга севги ва садоқат туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўлида бекиёс хизмат қилган атоқли адибларимизга кўрсатилаётган юксак эъзоз ва

эҳтиром ҳақида сўзладилар. Маросимда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва ҳасос шоира Саида Зуннунованинг магнит лентасига муҳрланиб, тарих мулкига айланиб қолган сўзлари катта қизиқиш билан тингланди.

Маросим сўнгида ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Бу гўзал ёдгорлик ўзида ифода этган таъсирчан бадиий мазмуни ва қукур ҳаётий фалсафаси билан юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни маънавий уйғоқликка, ҳаётга янгича назар, янгича тафаккур билан қарашга, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиш, яқин ва узоқ тарихдан ҳулоса чиқариб, мустақиллигимизнинг аҳамияти ва қадриқимматини янада теран англаб, уни кўз қорачиғидек асраш ва ҳимоялаш йўлида фидойилик кўрсатиб яшашга даъват этади.

Тантананда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

ЎЗА

Ёзги оромгоҳларда чет тили ўргатилади

Tashabbus

Бу йилдан бошлаб республикамиздаги барча ёзги оромгоҳларда чет тилларни ўргатиш тўғраклари очилди. Ҳозирда янги тўғрақлар 790 та мактаб қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳда ҳамда 210 та стационар оромгоҳда фаолият кўрсатмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига қаратилган. Кундузги оромгоҳларда тўғрақ машғулотларини мактабларнинг чет тили ўқитувчилари олиб боришмоқда. Бошқа дам олиш масканларида эса, бу ишларга олий таълим муассасаларининг хорижий филология факультетлари талабалари кўнгилли равишда жалб этилган. Ҳозир улардан 212 нафари сараланиб, оромгоҳларга бириктирилди.

Чет тили тўғрақлари «Ёзги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари»да ҳам ташкил этилади. Айни пайтда республикамиз ҳудудида 15 та ана шундай оромгоҳ мавсумга ҳозирлаб қўйилди. Уларда билимлар беллашувида юқори натижаларга эришган ўқувчилар дам олиб, халқаро фан олимпиадаларига тайёрланишади. «Интеллектуал оромгоҳлар»да ёшларга хорижий тиллар бўйича тажрибали мутахассислар томонидан сабоқ бе-

рилади.

— Тўғрақларда болалар мактабда олган билимларини коммуникацион суҳбатлар, тренинг, учрашув ва бошқа тадбирлар асосида мустақамлашлари мумкин, — дейди Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати бошлиғи Баҳриддин Шайвалиев. — Бунинг учун маҳсус дастур ҳам ишлаб чиқилди. Асосий эътибор тил ўрганувчиларнинг сўз бойлиги, фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстиришга қаратилган. Тўғрақ машғулотларида ўқувчилар юртимизнинг қадимий шаҳарлари, табиат ва экология, спорт, миллий байрамлар, дунё мамлакатлари ва шу каби ўнлаб мавзуларни хорижий тилларда ўрганишади. Эгаллаган билимларини мустақамлаш мақсадида улар ўртасида турли танловлар, кизиқарли ўйинлар ва мусобақаларни ўтказиш кўзда тутилган.

Жорий йилги мавсум давомида юртимиздаги оромгоҳларда жами 270,3 минг нафардан зиёд ўғил-қиз дам олиб, соғломлаштирилади. Бу ўтган йилларга қараганда 10 минг нафарга кўп. Яна бир янгилик шуки,



бу йил оромгоҳлар тўртта асосий йўналишда ўқувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Масалан, Каттақўрғон, Зомин, Фарғона туманларида экологик-биологик, ўлкашунослик йўналишидаги, Пайариқ тумани ҳамда Қўқон шаҳрида техник ижодкорлик йўналишидаги оромгоҳлар ташкил этилган. Айрим ҳудудларда ижтимоий мослашув оромгоҳларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Оромгоҳларда болаларни овқатлантириш масаласига ҳам юқори эътибор қаратилган. Дам олиш масканларига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилади. Шу мақсадда таъминотчи

корхоналар билан шартномалар имзоланди. Шунингдек, кўплаб оромгоҳлар ўз хўжалик ерларига эга бўлиб, уларда мева ва сабзавотлар етиштирилмоқда.

Болажонлар учун орзиқиб кутилган ёзги таътил кунлари бошланди. Юртимиз оромгоҳлари уларни ўз бағрига олишга шай. Бир-биридан қизиқарли ва ранг-баранг лойиҳалар, айниқса, чет тилларни ўрганиш тўғрақларидаги машғулотлар орқали ўқувчилар ёзни мароқли ва мазмунли ўтказишларига шубҳа йўқ.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

E'tibor

Ҳар йили ёз фаслининг бошларида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳар қачонгидан гавжумлашиб, талабалар қизгин ижод палласида бўлишади. Бойси, бу ерда талабаларнинг ижодкорлик салоҳиятини янада ошириш, институтда бир йил давомида қилинган ижодий ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали ва, қолаверса, ушбу мутахассисликда таълим олаётган лицей-коллеж ўқувчиларини жалб қилиш учун «Очиқ эшиклар» ҳафталиги бўлиб ўтади.

17 санъат куну

Шу йил 1-17 июнь кунларига режалаштирилган фестиваль ва ҳафталик ҳам зўр иштиёқ билан ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон халқ артистлари — Эркин Комилов, Мурод Ражабов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Шохиди Исмоилова, Мадина Мухторова иштирок этишди.

Институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев сўзга чиқиб, бу йилги фестиваль ўзига хослигини, чунки санъат ва маданият институтлари қўшилиб, муассасанинг янги даври бошланганлигини таъкидлади.

1 июндан 17 июнгача Николай Гоголнинг «Уйланмиш», Мак Келлийнинг «Халоскор», Михаил Лермонтовнинг «Демон» асарлари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Майиз емаган хотин», Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар», Усмон Азимнинг «Огоҳ бўлинг, одамлар», Шароф Бошбековнинг «Тикансиз типратиканлар», Туроб Туланинг «Нодира», Шомурод Юсупов инсценировкаси асосида «Чодир жамол» каби ўзбек миллий ўлмас санъат асарлари намойиш этилиши мўлжалланган. Шу билан бирга, «Жўшқин ёшлик навалари», «Чолғу ижрочилиги», «Парвоз» концерт дастурлари ҳамда бадиий сўзга бағишланган «Ибратли сўз сарчашмалари» ва «Телевидение режиссёрлиги», «Кино-операторлик» ижодий ишлари ҳам намойиш этилади.

Шунингдек, фестивалда «Йилнинг энг яхши диплом спектакли», «Йилнинг энг яхши магистрик иши», «Йилнинг энг яхши малакавий битирув иши», «Йилнинг энг яхши мақоласи», «Йилнинг энг яхши эркак хонандаси», «Йилнинг энг яхши аёл хонандаси», «Йилнинг энг яхши актёр ва актрисаси» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар эълон қилинади.

Чарос ҲАМИДОВА,
талаба

«Universiada — 2013»

ЁШЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК СУРУРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Фарғонада кўришгунча хаёр!

(Давоми, боши 1-бетда)

Олимпия тамойиллари, холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар бош мезон бўлган Универсиада беллашувларида иштирокчиларнинг кўрсаткич ва натижалари тобора ўсиб бораётгани кузатилди, кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажақда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир спортчилар захирасида иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг яна бир далилидир.

Мусобақаларда маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг аксарияти энди Бутунжаҳон Универсиадасида қатнашади. Шу йилнинг 6-17 июль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада саксон нафар спортчида иборат Ўзбекистон спорт делегацияси спортнинг ўн тўрт тури бўйича голиблик учун куч синашди.

Мамлакатимизда олтинчи бор ўтказилган Универсиада нафақат Ўзбекистон спорти ҳаётида катта воқеа, балки барча жаҳонда эришаётган ютуқлари билан Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Истиқлол йилларида умидли спортчиларимиз халқаро миқёсда юртимиз обрў-этиборини янада юксалтиришга, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни воёга етказётган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг таништиришга хизмат қилмоқда.

«Универсиада — 2013» республика спорт мусобақалари univsiada.uz сайтида ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, италян, испан, корейс, япон, хитой тилида ёритилди. Уч кун давомида дунёнинг қирқдан ортқ давлатидан ўн минглаб спорт мухлислари Универсиада беллашувларини ушбу расмий сайт орқали кузатиб борди.

«Универсиада — 2013» дастури доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар — таниқли спортчилар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, шоу-концертлар ташкил этилди. Айниқса, Бухоро маданий маркази, ундаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи талабаларда унутилмас таассурот қолдирди.

... Стадион узра майин мусика садолари янграйди. «Универсиада — 2013» республика спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни бухоролик спортчилар олий ўқув юртлари талабаларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Фарғона вилояти вакилларига топширади.

— Навбатдаги Универсиаданинг финал босқичи Фарғона вилоятида ўтказилиши биз учун юксак шарафдир, — дейди енгил атлетика бўйича олтин медаль соҳиби Достон Сайдалиев. — Уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг юқори бўғини бўлган талабалар мусобақаси бизнинг вилоятимизда ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз.

Мусобақа маънаси аста-секин сўнади. Бироқ у қатнашчилар қалбига жо бўлиб, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайверади.

«Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан яқунланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



Универсиада таассуротлари

Хуршида Жўраева,
«Нихол» мукофоти совриндори:

— Спорт билан санъат, аслида, бир-бирига жуда ўхшайди. Иккаласидаям истеъдод ва меҳнатнинг қадри жуда баланд. Бухорода ўтказилган Универсиада спорт ўйинларида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Бундан аввал мен «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» Президентимиз, давлатимизнинг спорт мусобақаларида ҳам қатнашиб, иштирокчиларнинг кайфиятига қайфият қўйишга ҳаракат қилган эдим. Шу боис кўшиқнинг, санъатнинг спортчилар учун қанчалик ёрдам беришини яхши биламан. «Универсиада — 2013» спорт ўйин-

ларининг янада файзли ва чиройли ўтишига биз, санъаткорлар ҳам озгина ҳисса қўшолган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳис эитган бўлардик.

Бехзод Узокберганов,
«Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг дзюдо мусобақалари хаками:

— Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз, давлатимизнинг юксак эътибори билан спорт жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Хусусан, дзюдочиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда. Дзюдонинг ривожланаётганига «Универсиада — 2013»да ҳам гувоҳ бўлдик.

Мамлакат спортчиларининг ички мусобақалардаги шижоатли курашлари терма жамоа учун фойда. Уйлайманки, мазкур мусобақалардан сўнг мурабийларимиз бир қанча истеъдодли дзюдочиларни ўзлари учун кашф этдилар. Универсиада — истеъдодлар кашф этиладиган бетакрор мусобақадир.

Зарнигор Ортикова,
«Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг енгил атлетика бўйича иккита олтин, битта кумуш медаль соҳибаси, Самарқанд вилояти:

— Универсиада ҳаётимнинг энг гўзал онларини тўхфа этган ҳақиқий ёшлар байрами

бўлиб қалбимда қолади. Мусобақалар бўлиб ўтган муҳташам стадион, спорт жамоалари, сув хавзалари жаҳон талабларига жавоб бериши билан биргаликда, Бухоро шаҳри хуснига ҳусн кўшиб турибди. Бухородек гўзал, қадимий обидаларга бой, мўъжизакор шаҳарга мана шундай кўркем иншоотлар ярашади. Шундай гўзал юртда туғилганим, камол топаётганим, Универсиададек катта спорт анжуманида иштирок этганим, унинг бир бўлаги бўлганим — менинг бахтим. Насиб этса, Олимпияда ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилсам, билангки, бу менинг Универсиадада орттирган бекиёс тажрибамнинг меваси бўлади.

Мусобақалар шуқуҳи мудом қалбимда!

Универсиада ёғду таратиб, осмонни шиддат билан кесиб ўтган ёрқин юлдуздек ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Спорт ўйинлари тугаган бўлса-да, ҳамон мусобақа шуқуҳи юрагимни тарқ этгани йўқ.

Бухорога — улуғ аждодларимизни камолга етказган қутлуғ заминга қадам қўярсанман, юрагим ҳаприкиб, ўша пайтда кўнглимдан ўтган туйғуларни бир сўз билан ифодалаб беролмайман. Спорт ўйинлари муносабати билан кўркем ва улуғвор манзара касб этган, кечалари ойдин чироқлар ёруғида кундуздек мунаввар бўлган қадим ва навқирон шаҳар универсиадачи тенгдошларимиз шодлигига лиммо-лим эди.

Мусобақа бошланишидан олдин мени чексиз ҳаяжон чулғади. Негаки, ушбу беллашувда Хулқар Тохиржонов, Нодира Нодиржонов ва сингари маҳоратли, кўплаб нуфузли мусобақаларда

зафар қучган шахматчи тенгдошларим иштирок этишидан хабарим бор эди. Шундай бўлса-да, маррани баланд олиб, кўнглимга эзгу ниятни жо этиб, мусобақада фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим. Ва... олтин медаль билан тақдирландим.

Универсиада, менинг назаримда, нафақат спорт байрами, балки юртимиз ёшларини руҳан бирдамликка, ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликка чорловчи гўзал анъанадир. Бу анъана биз, ёшларни доим юксак марраларга ундовчи, рағбатлантирувчи Юртбошимиз ташаббуси билан йилдан йилга янгила мазмун ва қиёфа касб этипти. Зеро, Бухорога келиб, қисқа фурсат-

ларда янада кўркемлашган муҳташам спорт иншоотлари, маданият-маърифат масканлари, гўзал ва обод гўшаларни кўргач, биз, ёшлар камолотига қаратилган юксак эътиборга гувоҳ бўлдим.

Спорт ўйинлари кунлари доирасида обод Бухоронинг энг хушманзара, умрбод ёдда қолавери жойларида бўлдик. Улуғ боболаримиз қадамжоларини зиёрат қилдик, устоз шоир-ёзувчилар, таниқли санъаткорлар суҳбатини олдик. Қулай, шинам шароитларда хордиқ чиқариб, мусобақаларда тетик иштирок этиш имконига эга бўлдик.

Юртимизда спортимизни янада ривожлантиришга қаратилган сай-ҳаракатлар мени доим янги марраларни забт этишга чорлайди. Келгусидаги ниятим шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида ва Олимпияда ўйинларида қатнашиб, голиб бўлишдир.

Райхона ДОНИЁРОВА,
Термиз давлат университети талабаси, шахмат бўйича «Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг олтин медали соҳибаси

Спорт ва замонавий технологиялар

40 МАМЛАКАТДА МУХЛИСЛАР

«Универсиада — 2013» спорт мусобақалари муносабати билан интернет тармоғида ўзбек тилидан ташқари яна тўққиз тилда univsiada.uz сайти ташкил этилган эди.

Сайтда Универсиада мусобақаларига тайёрларлик, спорт иншоотлари ва объектлари курилиши, бунёдкорлик жараёни ҳамда бевосита спорт мусобақаларининг финал босқичидан репортаж ва ахборотлар, фотосуратлар, тахлилий материаллар жойлаштириб келинди.

Қизиқарли ва юқори савияли дизайнда тайёрланган сайтга 8 июнь кунининг биринчи ярмигача 56 мингга яқин фойдаланувчи ташриф буюрган. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур фойдаланувчилар орасида нафақат юртимиз, балки АҚШ (295 нафар), Австралия (30 нафар), Германия (573 нафар), Хитой Халқ Республикаси (334), Испания (688), Чехия (187), Италия (620) сингари 40 дан зиёд давлат вакиллари бор.

Ушбу маълумотлар мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлохотлар, уларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётганидан далолатдир.

Сарҳадларга сиғмас Универсиада

(Давоми, боши 1-бетда)

Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларини ўтказишдан асл мақсад эса, бутунлай бошқача. Мазкур мусобақалар юртимиз ёшларининг комил инсон бўлиб етишишларига, улар онгу шуурида кучли ва мустақкам ирода, галабага интилиш, ватанпарварлик туйғуларининг шаклланишига хизмат қилиши бирламчи мақсад ҳисобланади.

СПОРТ — ДЎСТЛИК, ҲАМЖИХАТЛИК ГАРОВИ

Спортда мағлубиятлар ҳам, зафарлар ҳам, омад ҳам, омадсизлик ҳам бўлади. Машаққат чекилади. Синовлардан ўта олганларгина ҳақиқий спортчи, мард ва матонатли инсонлар бўлиб етишади.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, спорт билан профессионал тарзда шуғулланидиганлар ҳаётда жуда вазмин, хотиржам, ўз кучига ишониши шундоқ сезилиб турган, хушмуомала, одамхон бўлишади. Бу хислатлар уларда ўз-ўзидан шаклланиб қолган, деб ўйлайсизми? Йўқ, спорт уларни камтар, тавозели, ўз ўрнида ичидан мағрур (яхши маънода) қилиб тарбиялаган бўлади.

Спорт, шунингдек, ёш авлод қалбида дўстлик ва бирдамлик туйғуларининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этадики, уни бошқа соҳалар билан қиёслаб бўлмайди. Бу ерда гап фақат спортчиларнинг бирдамлиги, дўстлиги ҳақида эмас, мухлислар ҳақида ҳамдир.

Ҳақиқий мухлислик — аввало, инсонпарварликдир. Инсонпарварлик эса, хоҳ у спортчи бўлсин, хоҳ оддий мухлис, инсон табиатидаги беназир туйғудир. Узини ҳам, рақибни ҳам, жамоасини ҳам, рақиб жамоасини ҳам ҳурмат қилиш, унинг чемпионни, совриндорни, аф-рикаликми, европаликми, ким бўлишидан қатъи назар, аввало, инсон эканини унутмасдан муносабатда бўлиш, қўллаб-қувватлаш — ҳақиқий мухлислик маданияти шу эмасми? Демак, спортнинг географияси жуда кенг. Унинг ватани — бутун сайёрамиз, бинобарин, унинг бирдамлик, ахиллик, дўст-биродарлик туйғуларини тарғиб этувчи жиҳатини тўла ҳис этишимиз керак.

Юртбошимизнинг Универсиада спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригида мусобақаларнинг «халоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида» ўтишига алоҳида ургу бергани, бунга умид билдирганида ҳам катта ҳикмат бор. Бу ҳам бўлса, халқимизда азал-азалдан ҳалолликка жуда катта эътибор бериб келиниши (миллий курашимиздаги «халол» сўзига эътибор беринг...), мардлик, ўзаро ҳурмат туйғусининг улуғланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ, дейиш мумкин. Фақат Универсиадагина эмас, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва бошқа мусобақаларимизда голиблик қанчалик муҳим ва ёқимли бўлмасин, авваломудал, чиниқиш, соғлом ҳам бақувват бўлиш, турли вилоятлардан келган тенгдошлар билан дўстлашиш барибир биринчи ва энг асосий мақсад бўлиб келмоқда.

Спорт ўйинларида бир мартагина қатнашиб гувоҳ бўлганлар билишади. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада — бу номли спорт ўйинлари мусобақа бўлса-да, аслида, чинакам ёшлар байрами. Тенгдошларимиз, ука-сингилларимиз спорт майдончаларида беллашишлари мумкин, бироқ маданий тадбирларда, учрашувларда уларнинг қайси вилоят, қайси таълим муассасасидан эканини энгидани либосида ёзуви



бўлмаса, пайқамасиз.

Спорт ўйинларининг, умуман, спортнинг дўстлик, ҳамжихатлик, бирдамлик гарови эканини шундан ҳам билса бўлади.

СПОРТ — ШОН-ШАВКАТ, ШУҲРАТ ГАРОВИ

Спорт миллионлаб инсонларга завқ беради. Минглаб кишилар ҳаётида эса, у жуда катта аҳамиятга эга. Спортчи галабаси билан, аввало, ўз шаънини юксакка кўтарилади. Унинг зафари ота-онаси, оиласи, маҳалласига обрў олиб келади. Буни кенг миқёсда олиб қарасак, спортчининг ютуғи — элнинг ютуғидир.

Бугун Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Денис Истомин каби юртимиз ўғлонлари тимсолида жаҳон спорт ахли юртимиз спортининг салоҳиятидан бохабар. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинларида чиниққан, спортчи сифатида тобланган юзлаб спортчиларимиз бугун халқаро майдонларда Ватан шаънини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Универсиада спорт ўйинлари талаба тенгдошларимизнинг дўстлик, баркамоллик, ҳамжихатлик, гўзаллик байрами ўларок, унда қатнашган мингдан зиёд иштирокчи ёшлар, мусобақаларни бевосита стадион ва спорт кошоналаридан туриб томоша қилган минг-минглаб, телеэкран орқали кузатган миллионлаб томошабинларнинг қалбига муҳланди. Ажиб хотирлар, ўлмас воқеликлар, дилбар онлар бўлиб муҳрланди.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Саҳифа материалларини «Turkiston» мухбирлари Лайло ҲАЙИТОВА ва Хайриддин МУРОД тайёрлади



Abituriyentga ko'mak

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бакалавриятнинг учта: жаҳон сиёсати; жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) ҳамда юриспруденция (халқаро ҳуқуқий фаолият) таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Бакалавриятда ўқиш муддати — 5 йил. ЖИДУга ўқишга кириш учун абитуриентлар қуйидаги фанлардан тест топширади:

— жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар таълим йўналишида — математика, чет тили, она тили ва адабиёт;

— жаҳон сиёсати таълим йўналишида — тарих, чет тили, она тили ва адабиёт;

— юриспруденция таълим йўналишида — тарих, чет тили, она тили ва адабиёт;

Халқаро ва республика фан олимпиадалари ғолиблари ушбу олий таълим муассасасига имтиҳонсиз киришлари мумкин. Мамлакат Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий тавсияномага эга бўлган фуқаролар учун эса, ўқишга киришда тегишли имтиёзлар тизими амал қилади.

ЖИДУга, шунингдек, хорижий фуқаролар ҳам тегишли тартибда ўқишга қабул қилинади.

2012-2013 ўқув йили қабул режасига мувофиқ, университетга 210 нафар талаба қабул қилинган. Шулардан 65 нафари давлат гранти ва 145 нафари тўлов-контракт асосида.

ЖИДУда магистратура бўлими ҳам мавжуд. Ўтган ўқув йилида магистратурага 60 нафар талаба ўқишга кирган. Улар қуйидаги мутахассисликлар бўйича таълим олмақда: халқаро муносабатлар; жаҳон иқтисодиёти (минтақа ва фаолият турлари бўйича); ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича); халқаро ҳуқуқ (соҳалар бўйича); дипломатик ва консуллик ҳуқуқи.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар таълим йўналиши бўйича бакалавр дипломига эга бўлган битирувчилар Ташқи ишлар вазирлигида атташе, референт, инспектор; Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида эксперт-иқтисодчи, ташқи иқтисодий фаолият олиб борувчи кўшма корхоналар, ташкилот ва корхоналарда менежер, маркетинг; молия ва банк муассасаларида дилер, бухгалтер, аудитор, шунингдек, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис вазифаларида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Жаҳон сиёсати йўналишида таълим олган талабалар касбий фаолиятини Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, халқаро бўлимлар мавжуд бўлган ташкилотлар, БМТ, ЮНЕСКО, ЕХХТ каби халқаро ташкилотларда олиб боришлари мумкин.

Университетни юриспруденция мутахассислиги бўйича тамомлаган талабалар Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Адлия вазирликларида, банк-молия, божхона, солиқ идораларида ҳамда халқаро бўлимлар мавжуд бўлган маҳаллий давлат ташкилотларида, халқаро ва маҳаллий ноҳуқумат ташкилотларда; турли даражадаги ижроия ҳокимияти органлари, жамоат ва тижорат тузилмаларида; турли мулк шаклидаги корхоналарда фаолият олиб боради.

Бобуршуносларнинг халқаро анжумани

Буюк давлат арбоби, қомусий аллома, ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёниси Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти халқимизнинг шонли тарихида алоҳида ўрин тутди.

Бобур Мирзонинг турли соҳаларга оид бебаҳо ва бой илмий-адабий мероси, айниқса, миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган «Бобурнома» асари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Шу билан бирга, шоир, тарихчи олим, табиатшунос, моҳир саркарда, улкан арбоб сифатида маърифий дунё томонидан тан олинган бу буюк шахс ҳақида Европа, Осиё, Америка ва бошқа қитъаларда ўнлаб-юзлаб илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар яратилган ва бугун ҳам яратилмоқда.

Юртбошимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доғруғини дунёга таратган улуг аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади».

Мустақиллик даврида юртимизда кўплаб аждодларимиз қаторида Бобур Мирзога бўлган эътибор ҳам юксак поғонага кўтарилиб, унинг ижоди ва фаолияти-

ни ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида шоирнинг назмий девонлари, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Волидия» сингари нодир асарлари қайта нашрдан чиқди. Бобур ва бобурийлар ҳақида хорижда яратилган юзлаб бадиий, илмий, тарихий манбалар ўрганилди, кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шоир ва ёзувчиларимиз, тарихчи олимларимиз томонидан бу мавзуда кўплаб асарлар яратилди. Юртимизда илк бор «Бобур энциклопедияси» тайёрланди.

Андижон шаҳрининг маркази ва Бобур номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғида бобомизнинг порлоқ сиймоси акс этган ҳайкаллар бунёд этилди. Игирма йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритиб келаётган Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг илмий экспедицияси томонидан Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг 10-11 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро



конференция ҳам улуг ватандошимизнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга қаратилган муҳим тадбирлардан бири бўлди. Бобур Мирзо таваллудининг 530 йиллигига бағишланган мазкур конференцияда юртимиз олимлари билан бир қаторда Германия, Япония, Миср, Ҳиндистон, Покистон, Венгрия, Эрон, Россия, Туркменистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон сингари давлатлардан келган тарихчи олим ва мутахассислар иштирок этди.

Ялпи мажлисдан сўнг учта шўъбада давом этган анжуман ишида Бобур ва бобурийлар, шунингдек, юртимиз, хусусан, адабиётимиз ва санъатимиз тарихига бағишланган саксондан зиёд қизиқарли маърузалар тингланди.

— Бу каби халқаро илмий анжуманлар нафақат халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, балки Ўзбекистон ва Ҳиндистон жаҳон тамаддуни марказларидан

эканини яна бир бор кенг намоён этишга хизмат қилди, — деди Рампур Разо кутубхонаси директори, профессор Азизиддин Ҳусайн (Ҳиндистон). — «Бобур девони»нинг қўлёзма нусхаси кутубхонамиздаги энг ноёб ва қадрли манбалардандир. Бу асар бизга Бобурнинг буюк қалбидан — ҳар доим эзгуликка ишониб яшаганидан сабоқ беради.

Мазкур илмий-амалий конференцияда кейинги йилларда бобуршуносликда қўлга киритилган жиддий ютуқлар билан бирга, бу соҳадаги муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Анжуман иштирокчилари Бобур Мирзо ва унинг аждод-авлодлари меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ишлари бугунги кунда Ўзбекистонда намоён бўлаётган маънавий тикланиш ва юксалиш жараёнлари билан уйғун ва ҳамоханг тарзда амалга оширилаётганини таъкидладилар.

ЎЗА

Орасталлик остонадан бошланади

Халқимиз азалдан ҳудуд озодлиги, атроф-муҳит мусаффолигига алоҳида эътибор қаратиб келган: уй-жой, ҳовлиси, кўчасини супуриб-сидиришга, тоза сақлашга интиланган. Шу тариқа ободлик қадрият ўлароқ эзгу амалларимиздан бирига айланган.

Маҳалла гузари ҳудуд ободлиги ва аҳоли маънавиятини акс эттирадиган кўзгудир. Зеро, ҳудуддаги маданий-маърифий, ободонлаштириш, кўкамзорлаштириш ва бошқа ишлар самараси, аввало, шу ерда кўзга ташланади. Маҳалла гузаридаги ҳавас қиларли ободлик ва кўркамлик ҳудуддаги таълим-тарбия муассасалари, корхоналар, барча хонадонлар учун намуна вазифасини ўтайди. Жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ҳаётимиздаги янгиликлар, аввало, маҳалларда яққол намоён бўлади.

Инсон саломатлигини асрашининг муҳим омилларидан бири — атроф-муҳит орасталлигини таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган ободончилик иш-

лари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу борада жамоатчилик назоратини ҳамда ободонлаштириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Бу маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий мақоми тобора юксалиб, турмушимиз ободлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганидан далолатдир.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда шаҳарча, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари атроф-муҳитни ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиши лозимлиги, аҳоли уйларини, ҳовлилардаги биноларни, уй-жойлар атрофидаги ҳудудларни кўкамзорлаштириш ва ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган.

Истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳаёти тубдан яшилди, жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аввало, маҳаллаларда намоён бўлаётгани, аҳолининг ўзи маҳалла ободлиги, ора-

сталиги учун жон куйдириб, кўчаларни, ариқ ва зовурларни тозалашда ташаббус кўрсатаётганининг гувоҳи бўламиз.

— Маҳалламиз Юнусобод туманидаги йирик маҳаллалардан, — дейди «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омон Нурхўжаев. — Ҳудудда жойлашган яқка тартибдаги хонадонлар ва кўпқаватли уйларда турли миллат вакилларидан иборат олти мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Юзлаб маҳалладошларимиз атроф-муҳитни ободонлаштиришга ҳисса қўшаётир. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзида уйлар олдида, йўл четларида, ариқ бўйларига чиқиндиларнинг елим халталарда ташлаб кетилиши ҳолатлари учраб туради. Ёнгинамизда автошоҳбекат бор. Бекатда чиқиндилар учун махсус идишлар ўрнатилганига қарамай, писта пўчоқлари, турли ширинликлар қроғозлари кечгача уюлиб кетади. Шундай пайтда тонг ёришмасдан қишнинг совуғию ёзнинг иссиғида чанг ютиб атрофни тозалаш фаррошларнинг меҳнатига ачинаиб кетасан, киши. Бу ишни катталар қилган бўлса, буни кўрган ёшлар бундан ўрناк олмайди, дейсизми? Фарзанда меҳр қўйиш билан бирга, ёшлик чоғидан унинг онгида турмуш маданиятини шакллантириш лозим. Қўлга супурги тутиб атрофни тозалашга уринаётган қизчаларни кўрганимда, тозалик, озодлик тушунчаларини фарзандларига сингдираётган маҳалладошларимга ҳурматим ошади.

Атроф-муҳит бир киши ёки бир ташкилотнинг иши эмас, албатта. Бир сўз билан айтганда, ён-атрофимиз тозаллиги, мусаффолиги, орасталлик учун қайғуриш барчамизнинг ишимиздир.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири



Turmush madaniyati

Yosh tadbirkor — yurtga madadkor

Санжарбек — ишнинг кўзини биладиган тadbirkor йигит. Албатта, бу хислат унга бобосидан юққан. Дарвоқе, бобоси Набиҳожиге ота Бобораҳимов узок йиллардан буён асаричилик билан шуғулланади. Ёши саксондан ошган бўлса-да, ҳамон тетик ва бардам. 150 кути асарларини парвариш қилиш билан банд.

Имтиёзли кредит олгач...



Бекобод техника-иқтисодий касб-хунар коллежини тамомлаган Санжарбек ҳеч иккилиб ўтирмай, тadbirkorлик йўлини танлади. «Агробанк» ОАТБнинг Бекобод тумани бўлимидан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, асаричиликка киришиб кетди. «Санжарбек асл асарлари» дехқон хўжалигини ташкил этди.

Айни кунларда ёш тadbirkor йигитнинг қўли қўлига тегмайди. 120 кути асарларини парваришлаб, ҳар кути асарлари уясида 25-30 килограмм асал олиш ниятида. Ўзи билан ёнма-ён ишлаётган яна беш нафар асарлари унга доимо кўмакдош. Бир вақтнинг ўзида Бекобод дехқон бозори худудида асал дўконини очиб, юртдошларимиз эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилапти.

— Режаларим кўп, — дейди Санжарбек Қосимов. — Келгусида асални қадоқлаш целини очмоқчиман. Натижада, асалари уясида олинадиган барча маҳсулотлар шу ернинг ўзида йигилиб, сотувга чиқарилади.

Интилганга толе ёр, дейишади. «Ширин» хунар эгаси, ёш тadbirkor Санжарбек — интилишда. Унинг меҳнатлари ўзининг ширин мевасини бермоқда.

Содиқ Тўраев

Тил билган дунё кезар

Сирдарё вилояти хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчи-ёшларга чет тилларни чуқур ва мукамал ўргатишда ўзига хос илғор билим даргоҳларидан.

Ҳозирда мактаб-интернатда беш юз йигирма нафар ўғил-қиз таҳсил оляпти. Уларга эса ўттиз тўрт нафар юқори малакали педагог сабоқ беради. Ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Чунончи, 16 та синфхона ва 8 та кичик гуруҳлар учун синфхона, кутубхона, тиббиёт хонаси, фаоллар зали, ўқувчилар тураржойи ва саксон ўринли ошхона ўқувчилар хизматида. Ўқувчилар тураржойида элик нафар ёш истиқомат қилади. Янгидан қуриб фойдаланишга топширилган спорт зали, баскетбол, волейбол ва қўл тўпи майдонлари ўқувчилар ихтиёрида. Мактаб-интернатда ўн тўққизта фан тўғараги ва тўртта спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда.

Билим даргоҳининг қўлга киритган ютуқлари ҳам салмоқли. Мактаб-интернат республика «Йил мактаби» кўрик-танловининг ғолиби бўлган. 2008 йилда мактаб-интернат ЮНЕСКОнинг бирлашган мактаблар тармоғига расман аъзоликка қабул қилинди. Сирдарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари учун мактаб-интернат таянч мактаби деб белгиланган. Республика инглиз тили фани ўқитувчилари ассоциацияси ҳамкорлигида мактабда вилоят, республика миқёсидаги семинар-тренинг ва конференциялар ўтказилиб келинмоқда.

Сўнгги уч йил ичида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида мактаб ўқитувчиларидан 16 нафари совринли ўринларни эгаллаган бўлса, 2010 йил ушбу танловнинг республика босқичида рус тили ўқитувчиси Феруза Аҳмедова 1-ўринга сазовор бўлди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Энг

яхши фан ўқитувчиси», «Энг яхши синф раҳбари» кўрик-танловларида ўқитувчиларнинг олти нафари ғолиб чиққан. Мактабнинг ўн тўрт нафар ўқитувчиси «Халқ таълими аълочиси» кўрак нишони билан тақдирланган.

Мактабда рус, инглиз ва француз тиллари чуқурлаштириб ўқитилади. Албатта, билим натижаларини фан олимпиадалари ва билимлар беллашуви якунларидан ҳам билиш мумкин. Биргина 2011 йилда «Билимлар беллашуви» танловининг республика босқичида мактаб ўқувчиларидан Севара Шодмонова ва Турсунбой Тожиев ғолиб чиққан бўлса, ўтган йили Жавлон Ҳамдамов биринчи ўринни қўлга киритди.

Вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган «Энг яхши чет тили билимдони» танловида мактабнинг кўплаб ўқувчилари ғолиб чиққан.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ўтказилаётган барча танловлар, анжуманлар, семинар-тренингларда ўқувчилар ва ўқитувчилар фаол иштирок этиб келяпти. Хусусан, 9-синф ўқувчиси Дилшод Абдурасулов «Гендер тенглиги» мавзусидаги халқаро расмлар танловининг Ўзбекистон бўйича ягона ғолиби деб топилган. Булардан ташқари, мактаб ўқувчилари мунтазам равишда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, «Келажак овози», «Президент асарлари билимдони», «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Компьютер дастурлари яратиш» танловларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Караё бўйича 2010 йили Сингапурда ўтказилган халқаро мусобақада мактаб ўқувчиларидан Акмал Ҳасанов 3-ўринни, Нодир Худойбердиев эса, Остона шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллади ва шу йилнинг декабрь ойида Озарбойжонда ўтказиладиган халқаро мусобақада йўлланма олди. Шунингдек, Жавлон Ҳамдамов таэквондо бўйича Эстонияда ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медал соҳиби бўлди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Ogohlik

тувчилар учун махсус тавсиялар ишлаб чиқилган, ишонч телефонлари ўрнатилган.

Одам савдоси инсоний кадриятларга зид, мудҳиш ҳолатдир. Миллатидан қатъи назар, унга ҳеч ким бефарқ қарамастаси керак. Муаммони бартараф этиш учун тезкор чоралар кўриш, ҳамкорликни янада кучайтириш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кенг қамровда олиб бориш даврнинг муҳим талабидир.

Менимча, тенгдошларимизни одам савдосидан, турли хатарлардан огоҳ этишнинг мақбул йўли — маҳалларда ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини кучайтириш, мутахассислар иштирокида мазмунли учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этиш, тенгдошларимиз тафаккурини кенгайтириш, маънавийини бойитишдир. Зеро, юксак маънавиятли инсонни ҳеч ким, ҳеч қандай хатар енголмайди.

Гуларо НИШОНБОЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

Йллат миллат танламайди

Одам савдоси ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан биридир. Халқаро ташкилотларнинг маълумотига кўра, айни пайтда дунёнинг бирор давлати бу иллатдан четда қолмаган, миллионлаб кишилар одам савдоси қурбони бўлган.

XXI асрда, илм-фан тараққий этиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий кадрият сифатида талқин этилаётган, инсоният демократик тамойиллар асосида яшашга интилаётган бир даврда одам савдосининг вужудга келиши ҳамжамиятни ташвишлантирмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, бугунги кунда аёллар ва болалар савдоси одам савдосининг хавфли кўринишлари сифатида намойён бўлмоқда. Улардан турли мақсадлар объекти сифатида фойдаланиб, пул топиш кўзда тутилса, эрактлар мажбурий меҳнатга жалб этилиши, одам аъзолари савдоси қурбони бўлмоқда.

БМТнинг 2000 йилдаги Трансмилий уюшган жиноят-

чиликка қарши кураш конвенциясида «одам савдоси» тушунчаси ўзининг расмий изоҳига эга бўлди. Одам савдосига қарши кураш борасида дунё миқёсида кенг қўламли чоратadbirkorлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда халқаро миқёсда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар, асосан, халқаро жиноятчиликка қарши кураш ҳамда инсон ҳуқуқлари муҳофазасига қаратилган ва уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган.

Инсон қадрли, шаъни, ҳақ-ҳуқуқлари дахлсиздир. Уни таҳқирлашга, мажбурий меҳнатга жалб этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу боис юртимизда фуқароларни одам

савдосидан ҳимоя қилиш мақсадида 2008 йилнинг апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилиниб, мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Юртдошларимизнинг одам савдоси қурбонига айлланишининг олдини олиш мақсадида давра суҳбатлари, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда, жамоат гавжум жойларда огоҳликка ундовчи ижтимоий баннерлар ўрнатилмоқда. Одам савдоси қурбони бўлганларнинг соғлиги ва руҳиятини тиклашга кўмаклашувчи ижтимоий реабилитация марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумотларга кўра, одам савдоси қурбони бўлганларнинг аксариятини машаққатсиз мўмай даромад топиш илжинидаги ноқонуний муҳожирлар ташкил этади. Шу боис юртимизда хорижга ишга ке-



Интернет-башоратчи

Google қидирув тизими фильмларнинг касса йиғимларини оқиндан башорат қила бошлади.

Компания вакилларининг таъкидлашича, Google томонидан ишлаб чиқилган таҳлил тизими фильмларнинг касса йиғимларини 94 фоиз аниқлик билан олдиндан тахмин қила олади. Бунинг учун фильм режиссёри ҳамда актёр ва актрисалар гуруҳининг аввалги фильмлари қанчалик машҳур бўлгани, фильмнинг қанча нусхаси прокатга чиқарилгани ҳам эътиборга олинади. Компания вакили Андреа Чен сўзларига кўра, агар фильм экранларга чиқишидан бир ҳафта аввал рақобатчи фильмдан 250 минг марта кўпроқ қидирув сўровига эга бўлса, у ҳолда прокатнинг биринчи ҳафтасида тахминан 4,3 миллион доллар маблаг ййади. Кинотеатрларга борадиган томошабинларнинг аксарияти томоша учун фильмни сўнгги лаҳзада танлайди. Google ходимлари 2012 йилнинг энг машҳур 99 фильми статистик кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиққан. Компания ҳозирча бу тизимдан нима мақсадда фойдаланишни режалаштираётганини эълон қилгани йўқ.

Ўзбошимчилик

Боливияда ҳиндуларнинг Кечуа қабиласи истиқомат қиладиган қишлоқда қотилликда гумон қилинаётган йигит қурбони билан бирга битта қабрга тириклайин кўмиб юборилди.

Қишлоқнинг ўртача 200 нафар аҳолиси 35 ёшли Леандра Ариас Ханкони ўлдиришда полиция 17 ёшли Сантос Рамосни гумон қиладиганини билиши биланоқ йигитни ўзлари суд қилишга қарор қилишди. Маълумотларга қараганда, дафн маросими вақтида йигитни тутиб, қабр ичига итариб юборишган, сўнгра Сантоснинг устидан аёлнинг тобутини қўйиб, кўмиб юборишган. Эртасига полиция ходимлари қабрга бора олмаслиги учун қишлоқ аҳолиси қабристонга олиб борадиган йўлни тўсиб қўйган. Айтиш керакки, Боливиянинг кичик қишлоқларида жиноятчилардан қасос олиш ҳолатлари тез-тез бўлиб туради.

Шаҳзодани камситманг!

Саудия Арабистони шаҳзодаси ал-Валид бин Талал миллиардерлар рейтингига бойлиги нотўғри ҳисоблангани учун «Forbes» журнали устидан Лондон олий судига арз қилди.

Ал-Валид «Forbes» муҳаррири Рэндалл Лейн ва исми вақтинчалик сир тутилаётган икки мухбирни тухмат қилишда айблаган. Миллиардернинг бойлигини журнал 9,6 миллиард доллар кам кўрсатгани бойвақтинчи газабини келтирган. Ал-Валид рейтингдаги ўз ўрни борасида журнал нашр этилган куннинг эртасига эътироз билдирганди. Шаҳзода миллиардерлар рейтингига 20 миллиард доллар бойлик билан 26-ўриндан жой олган эди. Ал-Валид ўзини рейтингдан чиқариб ташлашларини талаб қилиб, журнални Яқин шарқлик сармоюдорларни камситишда айбламोқда. Шаҳзода ҳозирда Буюк Британияда «Kingdom Holding»га раҳбарлик қилади.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Янги юлдузлар бўй кўрсатди

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири якунланди

Пойтахтимиздаги Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган спорт мактабида 4-8 июнь кунлари бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Хиндистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил, Россия каби давлатлардан икки юз нафардан зиёд гимнастикачи ғолиблик учун баҳслашди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда спортнинг қизларга хос нафис тури — бадий гимнастикани янада омалаштириш, малакали мураббия кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказлар-

нинг ташкил этилгани самарасида спортнинг ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда бадий гимнастиканинг жадал омалашаётгани қизларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу пойтахтимизда ўтган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнирида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Тўрт кун давом этган мусобақада яккаликлар ва гуруҳлар ўртасида кўпқураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг ҳалқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, мусиқа ва ритмни яхши ҳис этиши, чаққон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

... Хаяжонли дамлар — ғолиб



Айло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди. Томошабинларнинг гулдурос қарсақлари остида майдонга яккалик ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикачилар кириб келди.

Осиё чемпионатининг алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал мусобақасида спортчимиз Жамила Раҳматова бир кумуш ва уч бронза, Майя Фи-

липпова бронза медални қўлга киритди. Гуруҳ машқларининг «уч ҳалқа ва икки тасма» деб ном олган турини бажаришда хитойлик гимнастикачилар биринчи бўлди.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Happy Caravan» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб намойиш қилди. Булавада машқ бажаришда Нилу-

фар Шомуродова, тасмада машқ бажаришда Зулфия Йўлдошева иккинчи ўринни эгаллади. Гуруҳлар ўртасидаги баҳсда вакилларимиз биттадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги катта концерт билан якунланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири

Tuman boylik

Оналар соғлиги — болалар соғлиги

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий шаҳар поликлиникаси ходимлари томонидан сезиларли ишлар амалга ошириляптир.

Соғломлаштириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида кўп тармоқли марказий шаҳар поликлиникаси ҳамда унга қарашли бўлган иккита филиал аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш мақсадида мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, коллеж, корхона ва маҳаллаларда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилиши учун режа тузилган. Албатта, тиббий кўрикларнинг сифатли ва самарали ўтказилиши учун

УТТ, лаборатория ва флюорография текширувлари йўлга қўйилиб, терапевт, гинеколог ва стоматологлардан иборат мутахассисларнинг жалб этилганлиги айна мударра.

Абдували Эшонқулов, Раъно Сатторова, Дилбар Усмонова, Гулмира Иброҳимова, Гулнеҳра Мамашкумова сингари тажрибали ва қўли энгил шифокорларнинг фидойилиги тиббий кўрикларнинг сифатли ўтказилишини таъминлаш билан бирга, ёш, ишни энди бошлаётган мутахассислар учун маҳорат мактабини ҳам ўтайди.

Таъкидлаш лозимки, поликлиникада 14 ёшгача бўлган болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўридан ўтказиб, аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Болаларда касалликларнинг олдини олиш мақсадида режали эмлаш ишлари махсус хоналарда мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда.

Айни дамларда поликлиникаларда вилоят ва республика марказларидан бириктирилган шифокорлар тиббий кўрик ва консультациялар ўтказаятганлиги, аҳоли ўртасида шифокорлар томонидан доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилаётганлиги эътиборга молик.

Гулжаҳон СУВОНОВА

					Ўзбек пойабзал фирмаси	Истило, ишғол
Корт спорти	Дада, ота	Миср-даги дарё	Қатор			
					Греция пойтахти	Авточамбараги
Талаб ва ...	Университет раҳбари					
					Финиш (Ўзбекча)	Теннис майдони
Тимсол, символ	Спорт мажмуаси (Тошкент)					Югуриш хили
					Тиш «асос»и	Цзэдун (арбоб)
	Теннисчи «қурол»и	Ўзбек автоси		Сан-... (фестиваллар шаҳри)		
	Гап йўқ, ажойиб				Моҳир, уста	
		Голливуд кино мукофоти		Ўзак, негиз		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов